



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 10 август, № 157 (5577)

Жума

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида
Франциянинг мамлакатимиздаги
Фавкуллда ва мухтор элчиси Франсуа
Готье "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири
билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида қуйида-
ги фикр-мулоҳазаларини баён этди:

Франсуа Готье:

«Ўзбекистон изчил тараққиёт йўлидан ишонч билан бормоқда»

— Бугунги Ўзбекистон — минтақанинг энг муҳим мамлакатларидан бири бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб нуфуз қозона олган мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида кўзга кўринадиган натижаларга эришгани ҳолда, изчил тараққиёт йўлидан ишонч билан бормоқда.

нафар вазири Ўзбекистонга келди, улар Президент Ислам Каримов томонидан қабул қилинди. Франция — Ўзбекистон ҳамкорлиги ҳақида сўз кетганда, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга жадал ўсиб бораётганини ҳам эслашимиз зарур.

фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш керак.

Мустақилликнинг 21 йили мобайнида Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солувчи қонунчилик асоси шаклланди. Шу аснода Ўзбекистон парламентининг тобора ўсиб бораётган ўрни, унинг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳамда ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга эга кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг ҳамма-боллигини таъминлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлари ҳам эътиборга моликдир.

2012 йил Ўзбекистонда "Мустақкам оила йили" деб эълон қилинди. Маълумки, оила — ўзига хос ижтимоий институт. Унда инсон тарбия олади, ҳаётга қарашлари шаклланади. Шу сабабли Ўзбекистонда порлоқ келажақ қуриш йўлида оилавий кадрларни мустақкамлаш масалаларига қаратилаётган эътибор юксак баҳога сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

Инсон манфаатлари — олий қадрият

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлиқни таъминлашнинг янги механизмларини яратиш, айниқса, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратиш сингари қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ижтимоий ҳимоя

Масалан, 2011 йилда аҳоли реал даромадлари 23,1 фоизга ортиб, улар жами даромадларининг 47 фоизи айнан тадбиркорлик фаолиятига тўғри келганлиги эътиборга лойиқдир.

Шубҳасиз, юртимизда ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майдаги "2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори уларнинг аниқ манзилли ижтимоий муҳофазасида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маъмур ҳужжат

ижросини таъминлаш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан, энг аввало, кексалар ва ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларнинг кафолатланган тизими шакллантирилди. Жумладан, вазирлик тасарруфидоги Саховат, Мурувват уйлари, болалар Мурувват уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун Республика пансионати, уруш ва меҳнат фахрийларининг сиҳатгоҳларида юкоти даражада тиббий хизматлар кўрсатилаётди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида 22,5 миң нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар рўйхатга олинди, уларга уй шароитида ижтимоий-маиший хизмат кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).



Тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар

юртимизда ишбилармонлик муҳитининг янада юксалишида муҳим аҳамиятга эга

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари том маънода мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бирига айланди. Айни пайтда ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда маъмур соҳа вакилларининг улуши катта эканлиги шундан далолат беради. Табиийки, бунда ишбилармонларга эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий базанинг янада мустақкамланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг жорий йил июль ойида

Эълон қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларида белгиланган устувор вазибалар бунга аққол мисол бўлади. Пойтахтимиздаги "Ўзэкспонар-

каз" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган таълим семинари ҳам давлатимиз раҳбарининг ушбу фармонлари асосида тадбиркорлик субъектларига берилаётган энгиллик ва афзалликларга бағишланди. Таъкидланганидек, "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида барча ҳўжалик юритувчи субъектларга тааллуқли янгиликлар бисёр. Хусусан, жорий йилнинг учинчи чорагидан бошлаб, йирик корхоналар учун иккита — асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома, кичик корхоналар учун эса дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома бекор қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

Бетакроп таълим тизими

— Ўзбекистон таълим тизими моҳиятида фарзандларга ғамхўрлик қилиш, уларни келажақнинг муносиб ворислари этиб тарбиялашдек олжанов мақсадлар мужассам. Хусусан, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 12 йиллик таълим тизими йўлга қўйилган бўлиб, у ёшларнинг чуқур билим олиши, қизиқиши ва салоҳиятига кўра муносиб касб танлаши, энг муҳими, жамиятда ўз ўрнини топишида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётди.

Эрик КУАН,
Сингапур менежментни ривожлантириш
институтининг президенти.



(Давоми 2-бетда).

Тижорат банклари капитали кўпаймоқда

2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республикаимиз банк тизимининг жами капитали 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан

24,2 фоизга ошди.

Мамлакатимизда банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш доирасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли тижорат банкларининг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустақкамлашга эришилди.

Бир рақам шарҳи

Мушоҳада

Бугун инсониятнинг табиатга нисбатан салбий муносабатлари оқибатларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Дунёнинг бир бурчида сув тошқинлари, зилзилалар рўй бераётган бўлса, бошқа жойида ўрмон ёнғинлари кузатиляпти. Бу каби глобал муаммолар табиат бойликларида экологик омиллар ҳисобга олинмаган ҳолда фойдаланиш натижасида ўтган асрнинг иккинчи ярмида авж ола бошлаган эди.

Экологик таълим — атроф-муҳит мусаффолигининг асосий омили

Қайд этиш жоизки, узок йиллар мобайнида табиатга етказилган таъсир оқибатида табиий мувозанатга путур етди. Бугунги кунга келиб эса, инсоният тамаддуни, унинг эртанги тақдирини айнан шундай масалаларни ҳал этишни тақозо қилмоқда.

Айни чоғда экологик муаммоларни ҳал этишда тежамкор, экологик тоза технологияларни жорий қилиш, табиатни муҳофаза

қилиш тадбирларини изчил олиб бориш ёки соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар уларни ҳал этишда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга бўлиш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген таъсирларнинг олдини

олишда асосий омиллардан дандир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам ниҳоятда юқори. Зеро, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланиш ва улар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғо-

тиш ҳамда тежамкорликка ўргатишда қўл келади. Албатта, ёш авлод қалбида табиатга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим масалалардан саналади. Бу, ўз навбатида, педа-

гонлар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, бошқа қатор ҳужжатлар экологик таълим-тарбия тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини ўқитишнинг мажбурийлигини таъминлаш мустақкамлаб қўйилган.

Шубҳасиз, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш ва экологик муаммоларнинг олдини олишда аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистонда барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ ўн йиллиги

(Давоми 2-бетда).

Яхши хабар

Навоий шаҳридаги 17-кичиқ туманда "Шарқ жило меъмори" масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан тўрт қаватли, 40 хонадонли тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ёш оилаларга янги ўйлар

Бунинг учун 1,1 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Замонавий архитектура талаблари асосида бунёд этилган тураржойга, асосан, ёш оилалар кўчиб ўтишди.

— Уйимизда барча қулайликлар муҳайё, — дейди янги уй соҳибаси Гавҳар Турдиева. — Уни банкнинг истеъмол кредитидан фойдаланиб, уй-рўзгор буюмлари билан жиҳозладик. Яратилган бундай имкониятлардан ниҳоятда хурсандим.

Дарвоқе, "Ёш оилаларга тураржой" республика дастури асосида Навоий шаҳрида 2012 — 2013 йиллар давомида яна тўртта кўп қаватли уйлар барпо этилиб, ёш оилаларга топширилади.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мингга яқин ёлғиз кексалар Саховат уйларида, 6 мингдан зиёд ногиронлар Мурувват уйларида тўлиқ давлат таъминотида олинди.

Ёлғиз пенсияерларни даволаш, соғломлаштириш, уларга геронтологик ва гериатрик ёрдамни кучайтириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётган. Масалан, 2011 йил давомида 5,5 минг нафар пенсионер амбулатория, 3,2 минг нафари стационар ва 7 минг нафардан зиёди уй шaroитида ўз соғлиқларини тиклаш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари, фаолиятимиз давомида ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг турмуш шaroитини яхшилаш учун зарур қўлайликлар яратиш, пировардида тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Жумладан, ўтган йилда Фаргона ва Андижон вилоятларидаги болалар Мурувват уйлари, Денов эркаклар Мурувват уйи, Самарканд вилоятидаги Саховат уйи, Фаргона вилояти Олтириқ уйи ва меҳнат фахрийлари учун сурашгоҳларида янги турархўй биноларининг қурилиш ва реконструкция иш-

ри якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Шу сингари тadbирлар жорий йилда Кўкюн ва Хива Мурувват уйлари, Жиззах ва Товоқсой кексалар ҳамда ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари сихатгоҳлари, Ногиронлари реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, Са-

бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасига тўри келади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва ёлғиз бандлигини таъминлаш дастури ижросига қўра, сўнгги йилларда уй меҳнати ва oilавий тadbиркорлик учун кенг имконият-

гурух, ижтимоий томорқа ташкил этилиб, уларнинг фаолиятлари айни чоғда янада такомиллаштирилмоқда. Шу ўринда ижтимоий томорқалар хусусида тўхталадиган ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишнинг янги тартиби белгилаб берилди. Бу билан эҳтиёжманд oilаларга ижтимоий нафақалар тайинлашда oilанинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги, мол-мулкдан, хусусий тadbиркорлик фаолиятдан oilинадиган даромадлари, чет элда ишлайдиган ёки тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган oilа аъзоларидан пул тушумлари суммаси ҳисобга oilинадиган бўлди.

Умуман олганда, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, фуқаролар турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган. Зеро, инсон шаъни, қадр-қиммати эъозланган юрда фаровонлик, хотиржамлик, энг асосийси, тинчлик барқарор бўлади. Бу жараёнда эса ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз, айниқса, ижтимоий қўмакка муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шaroитлар яратишда камарбаста бўлишимиз айни заруратдир.

Баҳодир ШАРАПОВ,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тadbирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиги.

Инсон манфаатлари — Олий қадрият

марқанд вилоятидаги ногиронлар учун худудий реабилитация маркази, Тошкент шаҳар 2-сонли болалар Мурувват уйида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, “Мустаҳкам oilа йили” Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 5689 нафар яқка-ёлғиз, ногирон кишиларнинг ҳамда кам таъминланган oilаларнинг уйлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан таъмирлаб берилди.

Аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқаролар бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада олиб борилаётган кенг қўламли саяё-ҳаракатлар натижасида охириги 5 йилда иқтисодиётнинг барча соҳаларида 3,8 млн. янги иш ўринлари яратилди. Эътиборли томони, мазкур иш ўринларининг 74 фоизи кичик

лар яратилмоқда. Бу борада эса Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим дастуриламал бўлаётган. Шубҳасиз, мазкур ҳужжат нафақат давлат, нодавлат ва тижорат тузилмалари орасида, балки халқроқ ташкилотлар орасида ҳам қўпгина самарали ижтимоий шерикчилик ташаббусларини ривожлантиришга туртки бўлди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган яна бир муҳим йўналиш, бу — ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтириш ва янги технологиялар жорий этишдир. Ижтимоий хизмат тизимининг янги технологиялари, хусусан, прокат пунктлари, ижтимоий такси, мобиль ижтимоий

янги услублардан биридир.

Мазкур тизим орқали ҳар йили ўртача 12,1 минг нафардан зиёд ёлғиз пенсионерларнинг томорқаларига 3,5 мингдан ортқ ходим ва ҳомийлар бириктирилиб, уларнинг томорқаларидаги ер майдонларига ишлов бериш, турли қиллоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш орқали пенсионерлар учун қўшимча даромад манбаи яратилди.

Албатта, мамлакатимизда фуқароларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, айниқса, ижтимоий қўмакка муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган чора-тadbирлар қутилган натижани бераётган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган низомга қўра, эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайин-

Аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шarti

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Санoат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан қиллоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиш соҳасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва бунёдкорликлар юрт раванқи ҳамда халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, қиллоқ жойларда хусусий уй-жойларни барпо этиш борасида кенг қўламли чора-тadbирлар ҳаётга таъбиқ этилаётгани таъкидланди. Чунончи, мамлакатимизда 2009 йилда 847 та, 2010 йилда 6800 та, 2011 йилда 7400 та яқка тартибдаги уй-жой қуриб битказилиб, 15 мингдан зиёд oilа ҳар томонлама қўлай яхнадонларга эга бўлди. Ушбу мақсад учун эса 576 млрд. сўмдан ортқ инвестиция йўналтирилди. Айни чоғда жорий йилда 272 та қиллоқ маҳсулида 8510 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жой барпо этиш белгиланган.

— Айтиш лозимки, мазкур жараёнлар Шаҳарсозлик кодекси ва соҳага оид бошқа қонун ҳўжатларида мувофиқ амалга оширилмоқда, — дейди қўмита аъзоси Ш. Амонов.

— Шубҳасиз, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қиллоқ жойларда уй-жой қурилиш қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”-ги қарори ва мақсуд Давлат дастури қиллоқларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойларни кенг қўламли барпо этиш, худудлар қиёфасини тубдан янгиллаш, қиллоқ аҳолисининг турмуш даражаси сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти.

Тadbирда уй-жойларни қуриш ишлари, бунда намунавий лойиҳалар талаблари га ривож этиш, ижтимоий, бозор ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари билан боғлаш масалаларига эътибор қаратилиб, ечимини кўтаётган қатор муаммолар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, уй-жой массивлари учун ер танлаш ишларини тўғри йўлга қўйиш, бунда аҳоли эҳтиёжларини эътиборга олиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, қурилиш учун

шaroитларни ўрганиш, танлов савдоларини ўтказиш мўддатларига ривож этиш, мутасадди идоралар томонидан қурилиш маҳсулотларини имтиёзли нархларда етказиб бериш, қурилишлар устидан техник назоратни етарли йўлга қўйиш масалалари ҳам долзарбдир. Тadbирда иш ҳажмларини сифатли баҳарлаш, қурилаётган уйлارнинг нархини белгилаш тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда намунавий уй-жойлар қурилишида самарадорликни оширишда тегишли вазирлик, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва пудратчи ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги, масъулиятини кучайтириш, бунда амалдаги меъёрий ҳўжатларни такомиллаштиришнинг ҳаётини ўзи тақозо қилаётганига ургу берилди.

Муҳожама этилган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

С. МАХСУМОВ.



Туман марказида янги корхона

Мамлакатимизда тadbиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ишбилармонларни янги бизнес лойиҳалар устида ишлаш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш сизингизда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган низомга қўра, эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайин-

Ташаббус

Жорий йилда улар сони яна биттага кўпайди. Туман марказида ширинликлар ишлаб чиқаришга иxtисослаштирилган “Исо Умаров орзуси” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Қисқа муддат ичида истеъмол бозорига ўз ўрнини топиб улгурган корхона муваффақиятини мутахассислар бозор талабини ўрганиш, буюртмачиларга сифатли, нархи ҳамёнбоп маҳсулот етказиб бераётгани билан изоҳлашмоқда.

— Мазкур бизнес лойиҳани амалга оширишда бизга банк томонидан ақратилган 102 минг АҚШ доллари миқдоридagi қредит кўл келди, — дейди корхона иш юритувчиси Қобилжон Ғуломов. — Шу маблагга Хитойдан замонавий, энергияни нисбатан кам сарфлайдиган технологик линия сотиб олдик. У соатига атиги 15 киловатт электр энер-

гияси сарфлайди. Суткасига бир тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Янги корхона шарофати билан 15 та иш ўрни ҳужудга келди. Бу ерда ишлаётганларнинг аксарияти ёшлар. Ражаб Шамсиев ана шуларнинг бири.

— Кўчапоён қишлоғида яшайман, — дейди у. — Ўзбекистон санoат ва транспорт қасб-ҳунар коллежида ўқидим. Таълим масканида олган билимим бу ерда асқотаяпти. Яратилган шарт-шaroитлар мени тўла қаноатлантиради. Ишлаб, ота-онамга ёрдамим тегаётганидан хурсандим.

Корхона тadbиркорлари истиқболда фаолиятни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турини кўпайтириш ниятида.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Шумурот ШАРАПОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, 2012 йилнинг июль ойидан эътиборан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан қилинадиган солиқ ҳисоботлари давомиий равишда талаб қилиб келинаётган 50 турдаги ҳисоботлар, август ойидан бошлаб 80 турдаги

лиқка янада кенг эркинлик бериш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Фармонда кўзда тутилган энгиликлар ҳам эъзу ниятини қўзғайди. Жорий йилнинг 1 августидан тadbиркорлар учун шарт-шaroитларни янада яхшилашга йўналтирилган 22 та меъёр ва тadbирлар амалиётга киритилган.

Тadbиркорларга берилаётган имтиёз ва қўлайликлар

юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада юксалишида муҳим аҳамиятга эга

руҳсат бериш чора-тadbирлари билан 11 та лицензияланадиган фаолият тури, келгуси йилнинг 1 январидан эса 65 турдаги статистик ҳисоботлар бекор қилиниши белгилаб қўйилди.

Муҳим янгиликлардан яна бири — 2013 йилдан 12 турдаги солиқ ҳисоботлари, 11 турдаги статистик, шунингдек, шу йилнинг учинчи чорагидан 12 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

Маълумки, бугунги кунда микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови ёки қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ҳар чоракда тақдим этиляпти. Эътиборлиси, кейинги йилдан бошлаб барча тadbиркорлик субъектлари, жумладан, йирик корхоналар ҳам бундай ҳисоб-китобларни ҳар чоракда бир мартаба топширади, холос. Бундан ташқари, ҳозир сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботи солиқ суммасига қараб ҳар oilа ёки чоракда топширилаётган бўлса, ушбу тартиб ҳам 2013 йилдан ўзгариб, бир йилликка ўтказилади. Худди шундай юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйи-

лиқка янада кенг эркинлик бериш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Фармонда кўзда тутилган энгиликлар ҳам эъзу ниятини қўзғайди. Жорий йилнинг 1 августидан тadbиркорлар учун шарт-шaroитларни янада яхшилашга йўналтирилган 22 та меъёр ва тadbирлар амалиётга киритилган.

— Мазкур бизнес лойиҳани амалга оширишда бизга банк томонидан ақратилган 102 минг АҚШ доллари миқдоридagi қредит кўл келди, — дейди корхона иш юритувчиси Қобилжон Ғуломов. — Шу маблагга Хитойдан замонавий, энергияни нисбатан кам сарфлайдиган технологик линия сотиб олдик. У соатига атиги 15 киловатт электр энер-

гияси сарфлайди. Суткасига бир тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги корхона шарофати билан 15 та иш ўрни ҳужудга келди. Бу ерда ишлаётганларнинг аксарияти ёшлар. Ражаб Шамсиев ана шуларнинг бири.

— Кўчапоён қишлоғида яшайман, — дейди у. — Ўзбекистон санoат ва транспорт қасб-ҳунар коллежида ўқидим. Таълим масканида олган билимим бу ерда асқотаяпти. Яратилган шарт-шaroитлар мени тўла қаноатлантиради. Ишлаб, ота-онамга ёрдамим тегаётганидан хурсандим.

Корхона тadbиркорлари истиқболда фаолиятни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турини кўпайтириш ниятида.

Муҳим янгиликлардан яна бири — 2013 йилдан 12 турдаги солиқ ҳисоботлари, 11 турдаги статистик, шунингдек, шу йилнинг учинчи чорагидан 12 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

Маълумки, бугунги кунда микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови ёки қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоблар ҳар чоракда тақдим этиляпти. Эътиборлиси, кейинги йилдан бошлаб барча тadbиркорлик субъектлари, жумладан, йирик корхоналар ҳам бундай ҳисоб-китобларни ҳар чоракда бир мартаба топширади, холос. Бундан ташқари, ҳозир сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботи солиқ суммасига қараб ҳар oilа ёки чоракда топширилаётган бўлса, ушбу тартиб ҳам 2013 йилдан ўзгариб, бир йилликка ўтказилади. Худди шундай юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйи-

Франсуа Готье: «Ўзбекистон изчил тараққиёт йўлидан ишонч билан бормоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон — бетақор маданий ва тарихий меросга эга мамлакат. Бу заминда ҳажон цивилизацияси хазинасидан жой олган ноёб меъморий обидалар мавжуд. Ушбу ажойиб ўлкага келаётган сайёҳлар сони бўйича Франция етакчи ўрнини эгаллаб тургани мени қувонтиради.

Умумбаршарий ўзгаришлар содир бўлаётган ва янгида-янги таҳдидлар юзга келаётган бир шaroитда минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш борасида юртингиз муҳим ўрин тутуди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг афғон халқига ёрдам қўрсатиш, мазкур мамлакатда тинч ҳаётни тиклаш борасидаги саяё-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ўзбекистоннинг Афғонистондаги кўп йиллик инқирозни бартараф этиш юзасидан аниқ-равшан нўқтаи назари бугун дунёнинг қўллаб мамлакатлари томонидан эътироф этилмоқда. Қолаверса, Ўрта Осиёда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасида тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлатингиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни Франция ҳам юксак баҳолайди.

Франция Таълим вазирлиги вакиллари, таълим соҳасидаги экспертлар ва мамлакатимиз Миллий Ассамблеясидаги “Франция — Ўзбекистон” гуруҳи раиси Р. Блюмдан иборат фран-

цуз делегацияси жорий йил февраль ойида Тошкентда таълим масалаларига бағишлаб бўлиб ўтган йирик халқаро анжуманда қатнашган эди. Мазкур тadbирнинг юксак даражада ташкил этилиши таълим тизимини ривожлантириш ва ёшларни тарбиялаш масалаларини мустақил Ўзбекистон олдида турган устувор вазифалардан бири эканлигини яна бир мартаба тасдиқлади.

Ўзбекистонда француз тилини ўрганишга нисбатан қизиқош нийҳоятда юқори эканлигини қайд этиш менга алоҳида мануният бағишлайди. Ўзбекистон ёшларининг ўз малакасини ошириш, тил билиш даражасини юксалтиришга бўлган интилишлари, айниқса, таҳсинга сазовор. Бунинг учун уларда катта имкониятлар — энг замонавий асбоб-ускуналар ва компьютер техникаси билан жиҳозланган ўқув муассасалари, бой тажриба ҳамда юқори малакага эга муаллимлар мавжуд.

Умуман олганда, Франция Ўзбекистон билан иқтисодиёт, таълим ва маданият соҳаларида фaол ҳамкорлик олиб боришга, ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрдир. Ўзбекистонда иш бошлаган Франция ривожланиш агентлиги икки томонлама муносабатлар раванқида катта ҳисса қўшади, деб уйлайман.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 21 йиллик байрами арафасида мамлакатингиз халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилайман.

«Жаҳон» АА.

■ **Интилиш**
Жиззах шаҳридаги “Зенаткор темир-бетон буюмлари” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турини 15 тага етказди.

Таклиф талабга мос

— Корхонамизнинг 65 кишилик жамоаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 979 миллион сўмлик темир-бетон маҳсулотлари тайёрланди, — дейди жамият раҳбари Адҳам Раҳмонқулов. — Йил охиригача яна 1 миллиард сўмликдан ортқ қурилиш ашёларини буюртмачиларга етказиб берамиз.

Айтиш жоизки, вилоятдаги қурилиш иншоотлари учун зарур бўлган темир-бетон маҳсулотларининг 70 фоиздан ортиги айнан шу корхонада тайёрланапти.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Экологик таълим — атроф-муҳит мусаффолигининг асосий омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

(2005 — 2014 йиллар) доирасида изчил ишлар олиб боришмоқда. 2005 йилда Олий ва ўрта махсуд таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирилик ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма қарорига асосан, “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари” дастури ва концепцияси қабул қилингани ана шундай саяё-ҳаракатлар самарасидир. Лекин экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда экологик маданият тўшунасининг магзини ҳамма ҳам бирдек англаб етаётгани йўқ. Табиат бойликларидан умумий фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масалаларини онгли равишда ҳал этиш учун oilа, мактабга таълим муассасаларидан бошлаб болаларда табиатга меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш, экологияга оид билимларни улар шурига синдириш даркор. Бу келажақда атроф-муҳитни муҳофаза қила оладиган ва табиатдан оқилонга фойдаланадиган авлоднинг шакллантиришнинг муҳим шartiдир. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод табиат ҳақидаги билим-

лари эгаллаб, теварак атрофнинг ҳозирлигини, унинг гўзалликларини қалбдан ҳис қила олганига, она-Ватанга, унинг табиатига муҳаббати ошади.

Таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида ўқувчилар онгини ҳозирги экологик муаммолар моҳиятини очиб бериш билан билан билан бўйича билимлар билан уларнинг амалий фаолияти, ижтимоий меҳнати билан мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқ. Бундай масъулиятли вазифани ҳал қилиш учун ўқитувчидан шу соҳа бўйича билимга, педагогик маҳоратга, юксак экологик маданиятга эга бўлиш, шунингдек, тинимсиз изланиш, ўрганиш талаб қилинади.

Бу борада ўқув муассасаларида “Экологик марказ”, “Экологик тўғрақ”ларни ташкил қилиш, мунтазам равишда экофестиваллар ёки танловлар ўтказиб туриш, ўқув-методик қўланмалар, дарсликлар, кўргазмалли материалларни нашр этиш яхши

Мухтасар айтганда, жамиятимизда ёшларнинг экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияси, экологик маданиятини юксалтиришнинг йўналишлари кўп. Энг муҳимини, улар ҳаётимиз асоси бўлган табиат неъматларини асрашга хизмат қилсагина, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришамиз.

самара бериши, шубҳасиз. Экологик таълим-тарбияни юзага келтирувчи масканлардан яна бири, бу — маҳалла. Дарҳақиқат, бу маҳаллада табиатга бўлган эҳтиром тарих каби қўнади. Шу маънода, азалий қадриятларимиздан бўлиш умумхалқ ҳашарларини ўтказиш ва уларга ёшларни кўпроқ жалб этиш айни мўддада. Умуман олганда, ўқув юртлари, oilа, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёшларнинг узлуқсиз экологик таълим-тарбияси борасида самарали тизимни яратиш бугун зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан биридир.

